O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 4 YANVAR ◆ PAYSHANBA ◆ № 3 (26.705)

Samimiy qutlovlar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Янги, 2001 йил билан сидқидилдан мубораклаб этаман.

Ниҳоялаган йил украин-ўзбек дўстона муносабатларини мустаҳкамлашда эришилган янги ютуқлар билан ёдда қолади. Бу жараённи Сиз билан бизнинг шахсий саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳам фаоллаштиришга муваффақ бўлинди, деб ишонч билдирсам хато қилмайман, деб ўйлайман.

Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимизнинг фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Жаноб Президент ва азиз дўстим, Сизга, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,
Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Сизга чин дилдан муваффақиятлар, бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Байрамларингиз тинчлик, меҳр-муҳаббат, саодат ила серфайз бўлиб, Янги йил Сизга кўпдан-кўп қувонч бахш этсин.

Лоуренс КЕМБРИ,
«Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сизни кириб келаётган Янги, 2001 йил ва янги минг йилликка қадам қўйилиши муносабати билан шахсан ўз номимдан ҳамда «Сименс» акциядорлик жамияти номидан самимий мубораклаб этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, хушкайфият, оилавий бахт, ишингизда улкан муваффақиятлар, шунингдек, бутун Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Камоли эҳтиром ила,
Дитер ШАРФФ, Райнер КЕНИТСХАЙМ

АСРГА — ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Инсоният янги XXI асрга қадам қўйган бугунги шукуҳли кунларда мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа рўй берди — кўп жилдли Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг биринчи жилди нашрдан чиқди.

Энциклопедияни очишингиз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси ўқувчиларига» йўллаган табрик хати ва шу баҳона энциклопедиянинг ўзбек халқи ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги илиқ сўзларни ўқийсиз:

«. . . Авваламбор, мамлакатимиз илм ва ижод аҳлини, зиёлиларни, ўқувчи ва талаба ёшларни — бутун халқимизни мамлакатимиз маданий ҳаётидаги катта воқеа — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этила бошлагани билан табриклайман.

Миллий қомусимизнинг мамлакатимиз тарихидаги ҳозирги бурилиш палласида яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки энциклопедиянинг маънавий ҳаётимизда ахборот манбаи сифатидаги маърифий ўрни беқиёс.

Энциклопедиямизнинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетакрор маданиятини, улуғ мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбашарият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртнинг ўзига хос ва ўзига мос қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлмиш мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир.

Шу билан бирга, миллий қомусимиз ҳар қайси инсон учун, халқимиз ҳаётига қизиқадиган одамлар ва зиёлилар, турли соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба, бебаҳо хазина сифатида хизмат қилади. . . ».

Бу сатрлар Ўзбекистон Президенти маънавиятнинг ҳар бир чашмасига ниҳоятда катта эътибор билан қарашининг яна бир ёрқин тимсолидир.

Китобнинг «Муқаддима»сида Миллий энциклопедиянинг мазмун-мундарижаси, йўналиши қисқа ва лўнда баён қилинган.

Энциклопедиянинг мазмун ва мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги анъаналаридан, бу соҳада мамлакатимизда орттирилган ижобий тажрибадан фойдаланишга ҳаракат қилинди. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (ЎзМЭ) фан, техника ва маданиятнинг барча соҳаларига оид маълумотларни мухтасар тарзда ифодалаб, инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимлар мазмунини ўзида жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги материаллар ЎзМЭ умумий ҳажмининг асосий қисмини эгаллайди. Унда халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги даврда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётида қўлга киритаётган улкан ўзгаришларни батафсил ёритишга ҳаракат қилинди. Ўзбекистоннинг энг қадимги даврлардан

(Давоми 2-бетда)

XXI АСР ОРЗУЛАРИ, ЎЙЛАРИ, НИЯТЛАРИ



Ҳожиакбар ШАЙХОВ, ЁЗУВЧИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ

— Мен келажакда Ўзбекистон барча жабҳаларда янги «Осиё йўлбарси»га айланади, деб умид қиламан. Аллоҳ назари тушган бу жаннатмакон юртда чинакам комил инсонлар дунёга келиб, худди бир вақтлар шонли ўтмишимизда бўлгани каби, мамлакатимиз довруғини етти иқлимга таратади, деган орзудаман. Илло, бу қутлуғ ишнинг куртаклари ҳозирданоқ юз оча бошлаган.

Ўзбекистон шўролар даврида ҳам Коинот тадқиқотларида фаол иштирок этиб келган. Республикамизда шундай олимлар борки, улар собиқ СССРда ишлаб чиқарилган энг замонавий самолёт кемаларининг муҳим техник қисмларини лойиҳалаштириб, бунёд этганлар. Турли фазовий, биологик, физик, экологик, тиббий ва бошқа тадқиқотларда фаол қатнашганлар. Мустақиллик йилларида эса, янги ташкил этилган «Ўзбеккоинот» илмий-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик бирлашмаси ҳам бу соҳада ташаббускорлик кўрсатиб, коинот тадқиқотлари ва республикамиз халқ хўжалиги учун ибратли ишлар қилмоқда.

Инсон онгини таниганидан буён оламни ва ўз-ўзлигини билиш ва дунёни ўзгартиришнинг икки қудратли воситаси — фан ва адабиёт-санъатни дунёга келтиради. Адабиёт асотир (миф), афсона, эртак ва ривоятлар тарзида илм-фандан анча илгари пайдо бўлган ва олис мозийдаёқ инсон билимларининг барча шаклларини ўзида мужассамлаган.

Адабиёт-санъат дунё тарихида инсон тафаккурининг энг ҳайратомуз ва энг ноёб ҳосилаларидан бири ҳисобланади.

Адабиёт ва санъат асрлар мобайнида башариятга ҳамроҳ ва ҳамроз бўлиб келади. У ҳуррият ва озодлик учун курашга ундайди, мардлик ва жасоратга чорлайди, инсон ҳис-туйғулари ва эҳтиросларининг гўзаллигини мадҳ этади, керак бўлса, уни маънавий ва эстетик маънода тарбиялаб, руҳан поклайди, комил инсон сифатида қалбан юксалтиради.

Агар илм-фан ўз оламшумул мақсадини аниқ мантиқий далил-исботлар, янги-янги табиат қонунларини кашф этиш орқали амалга оширса, адабиёт-санъат кўпроқ ҳис-туйғу, бадиий образ ва тимсолларга таяниб иш тутади.

Камина фан, адабиёт ва санъатнинг олий даражадаги уйғунлиги тарафдориман, илло, уларнинг мақсад-моҳияти ҳам, кўзлаган манзиллари ҳам бир, деб ҳисоблайман. Инсон билимларининг ошуви ва жамият маданиятининг юксалиши фан ва адабиёт, илмий ва эстетик онг ўртасидаги апоқаларни янада кенгайтириб, тобора мураккаблаштириб бораверади. Айни шу ҳолат уларни ўзаро янада яқинлаштиради. XX асрда пайдо бўлган ва тобора ривож топаётган илмий-бадиий, илмий-фантастик адабиёт юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Умуман олганда эса, адабиёт қайси жанрга тааллуқли эканлигидан қатъий назар, инсоншунослик муаммолари билан шуғулланади, инсоннинг ички руҳият дунёси, ҳис-туйғу ва эҳтиросларини ўрган

◆ МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Яқинда нашр этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисола таълим тизими олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди.

Республикамиз Президенти 2001 йилни «Оналар ва болалар» деб эълон қилганлари замирида фақатгина жисмонан бақувват авлод ҳақидагина эмас, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бут, маънан юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлоднинг шахсини ахлоқий шакллантириш назарда тутилган.

Негаки, «...ахлоқ шундай бойликки, инсон... усиз яшай олмайди. Агар сиз одамдан янгисини бермай туриб, унинг ахлоқий мезонини тортиб олсангиз — сиз уни зулматга йўлиқтирасиз, кўр одамни йўлда қоқилтириб, ҳалокатга итарасиз» деган эди улуғлардан бири. Тараққиётнинг чинакам белгиси — бойлик ёки шаҳарларнинг катталигида, шунингдек, ҳосилнинг мўлқўллигида ҳам эмас, балки, шу ўлка бағрида тарбия топган ИНСОН қиёфасидир. Демакки, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий дунёқараши — миллий мафкурасидир.

Мустақил Ўзбекистонимизда мафкура, айниқса, миллий мафкурани шакллантириш, уни виждон мафкурасига айлантириш давлат аҳамиятига молик муҳим масала қилиб қўйилгандир. У даставвал юртимизнинг эртанги эгалари бўлган ёшлар дунёқарашида ўз инъикосини топмоғи лозим.

Бу шарафли ва ўта масъулиятли вазифани бажариш биринчи навбатда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг натижаси билан боғлиқдир. Ёшларнинг бугунги вазифаси ўқиш ва ўрганиш, имкон борича кўпроқ билимга эга бўлишга интилишдан иборат. Чунки ижтимоий ҳаётимизнинг жиддий ривожланишига фақат шу йўл билангина эришиш мумкин. Шундай экан, даставвал унинг мезони қандай бўлмоғи керак, деган савол туғилади. Инсоннинг дунёқараши унинг ўсмир ёшидаёқ шаклланишини назарда тутадиган бўлсак, фикримизча;

Биринчидан, фарзандларимиз онгига ўрта умумтаълим мактабларидаёқ умуминсоний қадриятларни сингдирмоғимиз лозим;

иккинчидан, ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантиришда умуминсоний қадриятларга садоқат руҳи муҳим ўрин тутмоғи керак;

учинчидан, ўқувчилар қалбида умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғурур, миллий ифтихор, ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш ва мамлакатимиздаги турли миллат халқларига ҳурматда бўлиш муносабатини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётларни ва мактабларнинг иш тажрибаларини кузатиш шуни кўрсатадики, ушбу муаммо бўйича республикамизда мустақиллик йилларида маълум тажрибалар тўпланган. Лекин умуминсоний қадриятлар асосида ўсмир ёшдаги ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш — педагогик муаммо сифатида чуқур ўрганилмаган ва назарий жиҳатдан талқин этилмаган. Умуминсоний қадриятлар асосида ўсмир ёшдаги ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, хусусиятлари етарли даражада илмий-назарий, амалий-методик жиҳатдан ишлаб чиқилмаган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўсмир ёшдаги ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантиришда тарбия жараёнини аниқ мақсад асосида ташкил этиш орқали умуминсоний қадриятлардан фойдаланишнинг самарали бўлишига эришиш мумкин. Бу олий мақсад қуйидаги йўналишларда аниқ ва тўлақонли ифодасини топади:

1. Умуминсоний қадриятлар тушунчаси, моҳияти ва таърифини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уларнинг шахсини ахлоқий шакллантиришдаги аҳамиятини кўрсатиш.

2. Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш.

3. Ўқув-тарбия жараёнида ўсмир ёшдаги ўқувчиларни умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мазмунини ишлаб чиқиш.

4. Халқимизнинг маънавий мероси асосида ўсмир ёшдаги ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантиришнинг тизимини яратиш.

5. Ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга садоқатни шакллантиришни таъминлайдиган методик тизимни синаб кўриш ва назарий асослаш: ўқувчиларнинг умуминсоний қадриятлар асосида ўсмир ёшдаги ўқувчи шахсини ахлоқий шаклланиш кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш.

6. Умуминсоний қадриятлар асосида ўсмир ёшдаги ўқувчилар шахсини ахлоқий шакллантиришни такомиллаштиришда ўқитувчилар учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бу тадқиқотларнинг ҳаётга, айниқса, ўқувчи-ёшлар тарбия жараёнига татбиқ қилиниши мустақил давлатимиз фуқаролари мафкураси — миллий мафкуранинг виждон мафкурасига айланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

❑ **Норбой ОРТИҚОВ, профессор**

ЯНГИ АСРГА — ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳозиргача бўлган тарихи, шунингдек, мустамлакачилик зулмига қарши, юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қаҳрамонлари, Ўзбекистонда давлатчиликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган фидойи инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида истиқлол ғояси ва умуминсоний қадриятлар асосида кенг маълумот берилади. ЎзМЭда мустақил Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан дипломатик муносабатлари, иқтисодий ва маданий алоқалари, хориж сармояларининг республикамизга киритилиши, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузи тобора ортиб бораётганлиги билан боғлиқ мавзулар атрофлича ёритилади.

ЎзМЭ универсал энциклопедия бўлгани учун умумбашарий маълумотларни ҳам ўз ичига олади. Унда жаҳон мамлакатларига, хусусан, тарихи, табиати ва географик жойлашуви, дини, урф-одатлари жиҳатидан бизга яқин бўлган давлатларнинг ўтмиши ва бугунги ҳаётини ёритишга кенг ўрин берилади. Ҳамма универсал энциклопедияларда бўлгани каби ЎзМЭда ҳам барча замонлар ва халқларга мансуб машҳур шахслар, кашфиётчилар, сайёҳлар, фан, техника, адабиёт ва санъат намояндалари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари тўғрисида мақолалар берилади. ЎзМЭнинг умумий ҳажми қарийб 60 минг мақолани ўз ичига олади.

Миллий энциклопедиянинг ушбу биринчи жилдида 4800 мақола бор, 800 га яқин рангли ва оқ-қора сурат, харита берилган. Мақолаларни ёзиш ва тайёрлашда 500 дан ортиқ муаллиф, жумладан, Ўзбекистон ФА академиклари, фан докторлари, номзодлари, турли касбдаги мутахассислар иштирок этган.

Биринчи жилд саҳифаларидан Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний каби ўзбек халқининг буюк аждодлари, Беруний-ю Али Қушчи, Ҳабиб Абдуллаев каби улуғ олимларимиз, Бедилу Абдулла Қодирий, Авлоний, Абдулла Қаҳҳор каби атоқли ёзувчиларимиз, кўплаб давлат ва маданият арбоблари ўрин олган. Унда Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Австрия, Афғонистон каби йигирмага яқин мамлакат ҳақида мақола бор. Шу жилдда ўрин олган «Авесто», «Алпомиш», «Афросиёб», «Аллоҳ» каби мақолалар ғоят қизиқарли, маълумотларга бой. Шунингдек, ушбу жилдда Андижон вилояти ва у билан боғлиқ 50 дан ортиқ туркум мақола жамланган.

Хуллас, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» биринчи жилди Ўзбекистон Президенти китоб сарворасидаги табрик мақоласида таъкидланганидек, мустақил тараққиёт йўлида эришаётган ютуқларимизнинг ўзига хос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси, десак асло муболаға бўлмайди.

❑ **(ЎзА)**

САОДАТГА ОШИЁН БИЗ ЯРАТГАН ИМОРАТ

Бугун оламни тутгай қалбдаги суруримиз,
Мозийдан ёғду-нуримиз, келажакка шуурмиз,
Ватанни зарга буркаб, шон-шуҳратга тўлурмиз,
Ҳур инсонмиз, мағрурмиз, элимизга ғурурмиз.

Висол насиб этмишдир неча асрлар оша,
Шерюрак авлодларнинг қадамига яраша,
Келинг, қўл беришайлик, меҳримиз суви тоша,
Олам ҳайратга тўлиб, қилсин ҳавас, томоша.

Сеҳр тўла юлдузлар буюк кундан башорат,
Замона нишонаси шундан берур далолат.
Саодатга ошиён биз яратган Иморат,
Байроғига битилмиш шону шараф, адолат.

❑ **Йўлдош МУҚИМОВ**



ДАРДГА ДАРМОН БЎЛАЁТГАНЛАР

Инсон учун биринчи бахт — унинг соғлиғи. Зеро, шундай экан, соғлиғимизни ўйлаб туну кун меҳнат қилаётган саломатлигимиз посбонлари ҳар қанча бўлса ҳам эъзозга лойиқдир.

— Шифохонамиз ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирланди. Энг замонавий техникалар келтирилди. Ғаллаорол туманининг 120 минг аҳолисига намунали тиббий ёрдам кўрсатиш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 10 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб битказилди. Мавжуд бўлимларнинг ҳар бирида малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Реанимация бўлимига марказлашган карди-монитор аппарати ўрнатилган. Замонавий тиббиётнинг энг сўнггги ютуқларидан бўлган ушбу аппарат ёрдамида бир вақтнинг ўзида бир неча беморни назорат қилиш мумкин. «Оналар ва болалар йили» муносабати билан қатор хайрли ишларни амалга оширмоқчимиз, — дейди туман марказий шифохонаси бош врачи Икром Номозов.

Бир сўз билан айтганда туман ҳокимлигининг ижтимоий соҳаларга бўлган эътибори бизни қувонтирди.

❑ **Худоёр ҲАМИДОВ**

Суратларда: *шифохона ҳаётидан лавҳалар.*



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

◆ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

ИККИ ТАДБИРКОР — ҲАМКОР

Қор эпкини ёхуд ёмғирга монанд ҳаракат тинмайди. Бундай ускуналарни илк кўришим. Бу ўзига хос «тегирмон» навидан оқиб тушаётган ёрма доналарига тикилиб, иш қандай бошланганини эслаб кетаман.

Тадбиркор дўстим Мустафо Шарипов бир куни мени таклиф қилди. Олмониялик меҳмон бор экан. Тилмоч йўқ эди, аммо ният, қалб яқин эди. Бўлмасам-чи, юртимизга ҳамкорлик, эзгу ниятида келган. Исми Фрайтаг Петр экан. Ўрта ёш. Олмониядаги «Машинунд меленбау ветгинберг» фирмасининг вакили, яхши мутахассис экан. Эртаси «Китобдон» корхонасига бордим. Қисқа фурсатда алоҳида бино қуришибди. Олмониядан келтирилган ускуналарни ўрнатиб, синаб кўришаётган экан.

— Э, келинг, — кутиб олди корхона раҳбари Саиджон Камолов. — Қаранг, орзуларимиз ушала бошлади. Республика инвестиция дастурига киритилган эди. «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ҳам яқиндан ёрдам берди. Шартнома учун Олмонияга бориб келдик. Қисқаси мақсадимизга эришдик.

— Қуввати қандай? — суриштиришга тушаман. — Нима ишлаб чиқаради? Бошқа жойларда ҳам бор эканми?

— Нимасини айтасиз, — ҳаяжонланади Саиджон. — Бебаҳо экан. Фақат арпа ёрмаси тайёрлайдими, деб ўйловдик. Чунки бу озиқ-овқат маҳсулотига талаб катта. Ҳозирнинг ўзида кўп буюртма олаяпмиз. Ишлаб чиқаришга боп арпа навини кўпроқ экишимиз керак. Ғаллакорлар билан шартнома тузамиз. Аммо бу технология буғдой, ҳатто гречихани ҳам қайта ишлайверади. Бизнинг пулимизда 60 миллион сўмга яқин харажат кетди. Аммо осон бўлмади бари...

Дунёда осон ишнинг ўзи йўқ. Юраги шу юрт, халқ дарди билан тепаётган тадбиркорлар қандай истиқболли ишларга қўл уришмоқда. Саид Камоловда ҳам ана шундай ташкилотчилик, эзгу орзулар мужассам. У Шаҳрисабз дон қабул қилиш идорасида ишлаб юрганидаёқ оғизга тушган эди. Китоб тумани ғалла-чиликка ихтисослаша боргач, алоҳида корхона тузиш эҳтиёжи туғилди. Тўқсон олтинчи йилда 200 гектар ер ажратилди. Ўзи йўқ ташкилотга Саид Камолов раҳбар этиб тайинланди. Лекин роса тер тўкиб ишлади. Омборхоналар, катта майдонлар, тарози ва бошқа иншоотлар олти ой ичида тикланди. Унинг орзуси қайта ишлаш корхонаси қуриш эди.

Бу ишга тадбиркор Мустафо Шариповни тортди. Мустафо ҳам ишлаб, ҳам ўқиди, олий маълумотли муҳандис бўлди. Шаҳрисабздаги йирик қурилиш бошқармасига раҳбарлик қилди. Ҳозир шаҳардаги шарқона меъморчилик асосида қурилган ўнлаб биноларда унинг меҳнати, орзу-ўйлари нақши-нигор қилинган. Кейин Китоб тумани деҳқон хўжаликлари билан ишлади. Ўнлаб кичик корхоналар тузилди. Бироз вақт ўтиб Мустафо мустақил равишда тадбиркорлик билан шуғулланди. «Қиёт» хусусий фирмасини тузишди. Ана шу хусусий фирмага кредит ажратилди. Дон идораси билан ҳамкорлик қилишди.

Таржимон қиз Жанна Белиспаева сўзларни бийрон-бийрон ўгириб турди. Биз Петр Фрайтаг билан дилдан суҳбатлашдик.

— Мен Ўзбекистонда илк бўлишим, — дейди у. — Юртингиз, унинг меҳнаткаш, меҳмондўст халқи ниҳоятда ёқди. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлганман. Тошкент, йўл-йўлакай Самарқандни кўрдим. Кўркам, эсда қолади. Биз тараққиёт йўлидаги ҳамкорликни давом эттириш тарафдоримиз. Юртимизда тайёрланган ускуналарни ўзбек ишчилари бемалол бошқаришаяпти. Зеҳнлари ўткир экан...

Юртбошимиз Қашқадарё вилоят кенгашининг сессиясида юртимизга инвестицияни кўпроқ киритиш, ҳамкорликка алоҳида эътиборни қаратган эдилар. Китоб туманида бу иш мақтарли эмас. Фақат «Қашқадарёмармар» ташкилотигина хорижий ускуналарга эга бўлди. Иккинчи йирик сармоя ва унинг натижаси ҳақида гапирдик. Тадбиркорларнинг янги йилдан умидлари катта. Италиядан анор ва бошқа мевалардан шарбат олувчи технологияни келтиришмоқчи. Чунки Китобда боғлар ва мева сероб. Ўнлаб қайта ишлаш корхоналарига маҳсулот етиб-ортади. Демак, янги йил янги орзулар, аниқ режалар йили. Улар ушалсин.

❑ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

◆ ОДАМГАРЧИЛИК

ОТА

Одилжон ота кеча невараси Алижон айтган сўзларини эслади:

— Опам сиз бормасангиз ЗАГСга чиқмаскан.

— Дунёнинг ишлари қизиқ, — ўйлади чол, — бир палакдан етти ҳосил олишаркан. Катта невараси бошқача, буниси... Кимнинг таъбирига кетган. Бирида меҳр бисёр, бирида нафрат! Қайсисида менинг ҳиссам бор? Ахир, Яратганнинг ўзи шоҳид-ку?

Одил ота бозор расталарини айланди, неварасига лойиқ тўёна излади. Бир даста гул ва чинни сервис сотиб олди-да, сўнг манзилга ҳаракат қилди.

Чол таксига ўтирганди ҳамки унинг елкасига биров қўл ташлади.

— Ассалому алайкум, домла.

Одилжон ота ортига қаради. Хира тортган кўзлари Қобилжонга тушди.

— Омонмисан, ўғлим. Хола яхшиларми, ўзинг омонми?

Қобилжон харидни катта қилибсиз, тўйгами, дегандек чолга қаради. Ота ўнғайсизланди. Чунки Қобилжон ҳамма нарсадан хабардор эдида. Чол ўзинг биласан-ку, дегандек бош силкитди.

Қобилжоннинг отаси чол билан бир қишлоқда катта бўлишган, бордикелди, йўқлаб туришлар яқин кунларгача давом этгани учун ҳам йигит отани тушунди. Ота-да, ҳаммасини кечиришга қодир.

Отанинг нигоҳи такси ойнасига қадалганича, жим борар, кўз ўнгидан эса ўтмиши бир-бир ўтарди...

Одилжон ака қишлоқнинг олд зиёлиларидан эди. Ўртаҳол, рўзғорини муаллимликдан топган ҳалол меҳнати билан тебратар, борига шукр қиларди. Бир ўғил, бир қизни эл корига ярасин, деб тарбиялади, ўқитди. Эсида, ўша етмишинчи йиллар, ўғлини институтга жойлаш учун бостирма остидаги сигирини бозорга олиб чиқиб сотди. Хуллас, ўғли ўқишга кирди. У кампир билан қоқ нон еган кунлари кўп бўлган. Қўлида диплом билан қайтган ўғлини кўрганда, энди бир қарзим қолди, сўнг уларнинг ҳузурини кўраман деб, қувонганди шўрлик. Қўшнисининг қизига ҳам оғиз солганичи? Бўлмади, Мўминжон бошқани деди. Шунда ҳам унинг райига қарши бормади. Қиз бировнинг ҳасми, ўғлим...

Мўминжоннинг тўйи бўлиб ўтди. Лекин... ота-онанинг қалбида ўчмас жароҳат қолдики, уни бошқа биров тушунмасди. Тўйнинг иккинчи куни Мўминжон отаси олдига таёқдан зада бўлган кишидек чиқди. У чимлиқдан излагани дур эмас, балки минг кишининг қўлига тушган сийқа танга эди.

— Ўғлим, жавобини исфида бер, — деди Одил ота, — ҳаммасига чидаймиз.

— Исноднга қолдик, — йиғлади шўрлик кампир.

Ўғил ўйга толгандек бўлди. Бу унинг нима бўлганда ҳам шу билан яшайман, дегани эди.

Мўминжон ўрта бўй, хушбичим йигит бўлиб, жуда содда эди. У ҳамма нарсага ишонар, ҳаётни ўзича тушунарди. Шунисиси унга бало бўлди. Сакина танишганидаёқ, унинг оғзига чўп ўлчаб олганди. Ўша оқшом ҳам у бирорта йигитга қўлини ушлатмагандек уялинқирар, ҳирсга тўла кўзлари йигитнинг вужудини оловдек ёндирарди. Бу эса Мўминжоннинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйганди: сендан бошқани десам ўлай!

Кунлар ғир-ғир ўта бошлади. Итоаткор қулга айланган, хотинининг иродасига бутунлай бўйсунган Мўминжоннинг ихтиёри ўзида эмасди.

— Бизни бахтсиз қилмоқчи бўлган ота-онангиздан алоҳида яшамасак, биримиз икки бўлмайди. Қилдан қийиқ ахтаришлари жонимга тегди!

Сакинахон шундай деб туриб олди. Бунинг устига қайнонаси пиширган таомлардан қийиқ ахтаришни, уйига оғайним, деб ҳар қанақаларни олиб келишни канда қилмади. Булар бора-бора чуқурлаша борди. Одилжон ота ўғлини бағридан чиқаришга рози бўлди, аммо ўғлига яна бир бор уқтирди: ақлингни йиғиб ол, ҳали ҳам вақт бор...

...Машина бир силкинди, ота хаёлларини йиғиб олди. Кўприкдан ўтибмиз, яқин қолди. Қандай қарши олишаркан? Ўша жодугарга яна рўбарў бўламанми? Ўғлим-чи?

— Кечқурун тўйда учрашамиз, домла, — деди Қобилжон. Ота ўзи билан ўзи овора бўлгани учун секингина ҳа, деяолди, холос. Кимдир, домла янга қани, олиб келмадингизми, деганда чолнинг бошидан сув қўйишгандек бўлди...

Ўшанда баҳор эди. Баҳри буви келин-ўғил ҳасратини кўтаролмай, оламдан ўтди. Ота энди бутунлай ёлғизланиб ўз уйига сиғмай қолди. Зерикканида ўғлиникига борай деса, жодугар келини ҳаммани ундан совутган, қизи эса анча олисга тушган. Тенгқурлари маслаҳати билан шаҳардан бир бева аёлга уйланди. Уйланганда ҳам Баҳри буви васиятига амал қилди.

Кеча тўйга келиш олдидан кампирига маслаҳат солганди, у ўзингиз боринг, ҳар ҳолда пушти камарингиздан бўлган болангизнинг қизи. Қуруқ қўл билан борманг тағин, деб тайинлади. Ўғлингизга оғирлигимиз тушмаслигини ҳам айтинг, деди.

Шўрлик кампири ҳар икковлари учун ўлимликни аллақачон бекаму кўст тайёрлаб қўйгани чолни янада эзади. Қариганида шундай одам бўлдими? Ахир, ўғлининг шу даражага етишида хизмати сингган эмасми? Ўша ҳашаматли ҳовли, қўша-қўша машина, обрў, мансаб пойдевори домланинг эътиборидан сўзламайдими? Айби ўғлининг келажагини ўйлади, уйдаги гапни кўчага чиқармади! Бунинг эвазига қайтгани беписандлик, меҳрсизлик, сўнмас нафрат!

Катта кўча ўртасида ўнлаб безатилган машиналар турибди. Ҳовлида карнай-сурнай овози янграйди. Тумонат одам. Улар орасидан чол невараси Сарвигулни излайди. Ана, у қучоқ очиб келяпти. Ортидан Мўминжон ҳам кўринди...

❑ **Даврон БАҲРОНОВ**

◆ ҚОРА ҚИЛМИШ

ВАҲҲОБИЙЛИК ТАЪСИРИДАГИ ИККИ ТАҚДИР

ПАВЕЛ ЮГАЙ ВА АНАТОЛИЙ ИЛЬЧИШЕВ ИСЛОМ ДИНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР. АММО УЛАРНИНГ КЕЙИНГИ МУСУЛМОНЧИЛИК ФАОЛИЯТИ АҚИДАПАРАСТЛИККА УЛАНИБ КЕТДИ.

Бу икки йигитнинг тақдири, XVIII асрга — Арабистон ярим оролини забт этган ўша пайтдаги дунёқарашга бориб тақалади. 1703 йилда туғилган Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб номи билан бири корейс, бири рус бўлган 22-21 ёшли Югай ҳамда Анатолийни бир атама бирлаштирган — ВАҲҲОБИЙЛИК.

Ваҳҳобийлик нима? **Бу диний-сиёсий оқим бўлиб, 1703 йилда қози оиласида туғилган Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб номи билан боғлиқ. Абдул Ваҳҳоб исломнинг турли фирқаларга бўлинишига қарши бўлиб, динни Муҳаммад Пайғамбар замонасидагидек асл ҳолатига қайтариш учун курашган. (Афсуски, унинг таълимоти ҳам фирқалар сони янада ошишига сабаб бўлди).**

Ваҳҳобийлик дунёвий санъатни, мусиқа, театр, тасвирий санъатни рад қилади. Улардан оладиган эстетик завқни гуноҳ деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, санъат инсонни ёлғон дунёга боғлаб қўяди, ўткинчи дунёга ҳирс қўйдиради.

Ваҳҳобийлик тараққиётни, ўзгаришни тан олмайди. Улар айтишича, ҳамма нарса пайғамбар замонидагидек бўлиши керак. Ўша замонларни улар аслият, қолип деб билишади. Давлат бошқаруви ҳам фақат Қуръон ва Ҳадисга асосланиши шарт. Бошқа бошқарув тизимлари асло тан олинмайди.

Абдул Ваҳҳобнинг қарашларини араб оламида яхши қабул қилишади. Бу оқим армия, ҳокимият билан қўллаб-қувватланади, мустаҳкамланади. Айниқса, XIX асрда у кенг тарқалиб кетди. Баъзи араб давлатларида бу оқим ҳозир ҳам ҳукумат раҳбарларининг сиёсий қўллаб-қувватловидадир.

Корейс ЮГАЙ — «АБДИВАКИЛ» бўлди. Отасининг айтишича, ўғли ўқишга киролмаганидан кейин 1996 йил ёзида уйига, Оҳангаронга қайтиб келади. Бироз вақт ўтгандан сўнг яна Тошкентга жўнаб кетади. Бир ҳафтадан кейин келиб ислом динини қабул қилганлигини отасига маълум қилади.

Павел Витальевич Югай ўзининг мусулмонликдаги исмини «Абдулвакил» деб атади. Чорсудаги Тўхтабойвачча масжидида номозни, исломни ўргана бошлади. Бироз вақт ўтгандан кейин у нафақат номозни, ўзбек тилида гаплашишни ҳам яхши ўрганиб олди. Бир куни унга «Абдуллоҳ» (Александр Юрьевич) исмли биродари масжидда номоз нотўғри ўргатилишини, агарда ҳақиқий исломни ўрганишни хоҳласа, у албатта «ҳужра»га бориши кераклигини айтди. Ва даъватига ҳар бир талаба «ҳужра»да озиқ-овқат ва пул билан таъминланишини ҳам қистириб ўтди.

Абдулвакил 1997 йилнинг августигача «ҳужра»да ваҳҳобийлик таълимоти асосида ўқиди. Унга Қуръон ўқилиши ўргатилди. Номозни ўзларининг йўналиши бўйича ўқиттиришди. Ислом давлати, халифалик ғоялари билан таништирилди. Ўзбекистонда ҳам ислом давлати қуриш лозимлигини унинг онгига сингдиришди. Худди Абдуллоҳ айтганидек, «ҳужра»да озиқ-овқат ҳам, маблағ ҳам «ҳужра»чиларнинг ўзидан бўлди.

1997 йилнинг июнида у Кўкчада жойлашган «ҳужра»сида ислом динини қабул қилган яна бир йигит билан танишди. Унинг миллати рус, ўзгартирилган исми эса Абдумалик эди.

Абдумалик ким? **1997 йил ёзида Тошкентта иш қидириб келган чирчиқлик Анатолий Олегович Ильчишев Чорсу бозорида ишчи бўлиб ишлай бошлади. Чорсу даҳасидаги хонадонда ижарада туриши мобайнида Сайфуллоҳ исмли киши билан танишади. У киши Анатолийни исломга даъват қилди ва у мусулмон бўлди.**

Бироз вақт ўтгандан кейин Абдулазиз исмли киши (лақаби «Француз») Анатолийнинг исломга кирганини эшитиб, унга исм берди — Абдумалик. Улар ёрдамида Абдумалик «соф исломни ўрганиш учун» «ҳужра»га жалб қилинди.

Ўқишнинг «ҳужра» босқичи тугалланганидан кейин иккала қаҳрамонимиз ҳам Россия Федерациясининг Ульяновск шаҳридаги татар-араб коллежига ўқишга юборилди. У ерда улар диний билим олиш билан бирга ваҳҳобийликнинг мафкуравий босқичидан ўтишди. Тарғибот-ташвиқот юмушларини ҳам бошлашди.

АБДУМАЛИК(Анатолий) 1999 йил Тошкентга қайтиб келди. Бу ерда ваҳҳобийлик таълимотини ривожлантиришдаги кенг фаолиятини бошлаб юборди. Ислом давлати қуриш, демократик тузум ва қонунлари тан олмасликка даъват — унинг фаолияти шулардан иборат. 1997 2000 йил орасида у бир неча бор Чеченистон ва Тожикистонга ҳарбий тайёргарликдан ўтиб келиш учун Абдуллоҳ ҳамда Рамзиддин (Рамз Қўшоқов) томонидан даъват қилинади. Лекин у бу даъватларни қабул қилмади. Ўша йил 24 июнь куни уни милиция ходимлари қўлга олишди. Унинг Чирчиқдаги уйи тинтув қилинганда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик тузумига қарши экстремистик ва ваҳҳобийлик руҳидаги варақалар топилди.

Абдулвакил (Югай) коллеждаги таҳсили тугаганидан сўнг 1999 йил Тошкентга келди.

Коллеж таҳсили давомида 1998 йилнинг август, ноябрь ойларида унинг олдига икки марта Абдуллоҳ билан Рамзиддинлар келишади. Чеченистон лагерларида исломни ўрганиш билан бир қаторда жисмоний ва жанговар тайёргарликдан ўтишни, яъни ислом давлатини қуриш йўлида «жиҳод» қилиш учун тайёргарлик қўришликни таклиф қилади. Абдулвакил унамади бу таклифга. 2000 йил 24 июнгача у Тошкентда ваҳҳобийлик таълимотини тарғиб қилиб келди.

24 июнда уни ҳам қўлга олишди. Вақтинча яшаб турган Чилонзор туманидаги уйи тинтув қилинганда 3,39 грамм миқдоридаги «опий» моддаси ва варақалар ашёвий далил сифатида топилди.

Хулоса. **Биз ҳикоя қилган икки йигит ҳаракатларини қонун баҳолади. Мирзо Улуғбек туман суди уларга қонуний жазо берди.**

Демократик жамият қонунлари фуқароларнинг эътиқод эркинлигини таъминлайди. Фуқаро хоҳлаган динига эътиқод қилиши, аксинча ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Бунинг учун давлат уни сиқувга олмайди, айбламайди. Демократик қонунлар ҳеч қайси динга, ҳеч қайси дунёқарашга устунлик бермайди. Демократияда инсон эркинлиги ана шундай ифодаланади.

Лекин ўз навбатида ҳуқуқий демократик жамият қонунлари инсонларга тажовуз қиладиган, диний, миллий, ирқий адоватларни тарғиб қиладиган экстремистик кайфиятдаги ҳар қандай дунёқарашни, таълимотни, эътиқодни рад қилади, унга қарши курашади. Ер юзидаги барча давлатлар шунинг учун демократиядан паноҳ излаётган бўлсалар ажаб эмас.

❑ **Рустам ҲАКИМОВ,**
Мирзо Улуғбек туман прокурори ўринбосари

◆ ГЕРМАНИЯДАН ХАТ

У ИШОНЧЛИ ДЎСТ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ИНСОН

ОЛМОНШУНОС ВА ЭРТАКШУНОС ЎЗБЕК ОЛИМИ СУВРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Яқин ўтган йилларда камина ўзбек эртакчилигини ўрганиш ниятида Ўзбекистон бўйлаб қилган саёҳатларим давомида бу ўлканинг турли жойларида турфа тоифа ва касбдаги инсонлардан Хуррам Раҳимовнинг номини тез-тез эшитардим. Менинг ўзбек дўстларим ва ҳамроҳларим, кўпчилик ҳамсуҳбатларимнинг таъкидлашича, у киши ўз мамлакати халқ эртакларини олмон тилига ва олмон эртакларини эса ўзбек тилига ўгираётган олмоншунос олим экан.

Боннда ўтган олмон-ўзбек жамиятининг йиғилишида менга у кишининг адресини беришди. Шунда мен ўзимнинг Самарқанд вилоятига қиладиган навбатдаги экспедициям учун ёрдам сўрашга қарор қилиб, у кишига хат ёздим. Жавоб келавермагач, мен Самарқандга жўнавордим. Хатим эсимдан ҳам чиқиб кетган эди. Аммо, тўсатдан бир куни мени телефонга чақириб қолишди — Хуррам Раҳимов хатимни олиб, экспедициям давомида мен ёзиб олган эртаклар тўпламини олмончага таржима қилишда кўмаклашишга тайёр эканлигини хабар қилаётган эди. Шу аснода ўртамизда ҳамкорлик бошланди-ки, мен доктор Раҳимовдан ўзбек тилинигина эмас, ҳатто ўзбек менталитетининг нозик томонларини ҳам ўргана бошладим.

Хуррам Раҳимов асли самарқандлик бўлиб, аввал Тошкентда, сўнгра Москвада германистикани ўрганган ва Москвада машҳур австралиялик услубшунос олима, профессор Элиза Ризель раҳбарлигида докторлик (номзодлик) диссертациясини ёқлаган. Германшунос олим сифатида у услубшунослик назарияси, матбуот ва публицистика услубининг назарий ва амалий масалалари ҳамда олмонча-ўзбекча, ўзбекча-олмонча таржималар назарияси ва амалиёти билан шуғуланади. Унинг кўплаб илмий мақолалари олмон шоир ва ёзувчилари, айниқса, Ё.В. Гёте, Ҳ.Ҳайне, акаука Гриммлар ижодини ўрганишга бағишланган. Яқинда унинг Германиянинг «Тюринген вилояти газетаси»да Гёте таваллудининг 250 йиллигига бағишлаб олмон тилида ёзган «Шоир ватанига ҳижрат» номли шеъри эълон қилинди! Биз олмонияликлар учун ўзбекнинг немисча шеър ёзиши ғайриоддий ҳодиса ҳар ҳолда!

